

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ S/4 (3) - 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

№ 5/4 (3) - 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васида Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

- Аббасов Беҳзод Бахтиёрвич*
1946 – 1965 ЙИЛЛАРДА ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИ
ҲАМДА АҲОЛИНИ ЯНГИ ЎЗЛАШТИРИЛГАН ЕРЛАРГА КЎЧИРИШНИНГ
БОШЛАНИШИ 10-21
- Бабалжанов Хасан Бахтиёрвич*
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ
ТАЪМИНОТИДА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЎРНИ 22-27
- Саидбобоева Гулзора Нематжоновна*
ГОЭЛРО РЕЖАСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ 28-36
- Rasulov Ma'murjon Foziljonovich*
O'ZBEKISTONDA XALQARO SAYYONLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MADANIY MEROS
OBJEKTLARINING O'RNI 37-42
- Жиянбекова Шарофат Абдиқахаровна*
А.С. ПУШКИН НОМИДАГИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КУТУБХОНА МАРКАЗИНИНГ ТАШКИЛ
ЭТИЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ 43-51
- Esonov Ziyodbek Yuldashevich*
FARG'ONA VODIYSI QORAQALPOQLARI HUNARMANDCHILIGI TARIXIDAN 52-58
- Фарманова Гульнора Комилевна*
ИЗ ИСТОРИИ ПЕРВЫХ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ РАБОТ И ИССЛЕДОВАНИЙ НА
АФРАСИАБЕ 59-65
- Turaev Sherzod Gulboy ugli*
DESCRIPTION OF CHARACTERISTICS AND TYPES OF LIVESTOCK FARMING OF SURKHAN
OASIS IN B.H. KARMISHEVA RESEARCH 66-71
- Сотиболдиев Файратжон Отамирзаевич*
ИНТЕРНЕТНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА КИРИБ КЕЛИШИ ТАРИХИ: МУАММО ВА
ЕЧИМЛАР 72-78
- Rasulov Azizkhon Mukhamadqodirovich*
ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРИХИ МАНБАЛАРИНИНГ УМУМИЙ
ТАВСИФИ 79-90
- Абдуллажанова Нигорахон Турдалиевна*
БЕРУНИЙ ВА ИБН СИНО ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ ТАРИХШУНОСЛИГИДАН 91-95
- Дониёров Носиржон Абдухолиқ ўғли*
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА ИМЛО СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТАРИХИДАН 96-102

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

- Юлдашев Обиддин, Махлиё Мамбетқулова*
ИСЛОМИЙ СУҒУРТА (ТАКАФУЛ) ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ 103-109

<i>Фозилов Умид Закирович</i> БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ОҚИЛОНА БАҲОЛАШ ТАШКИЛОТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АСОСИ	110-118
<i>Shoyev Davronbek Axmadjonovich</i> BOSHQARISH SIFATINI OSHIRISHDA “MENEJMENT LABORATORIYASI”NI TASHKIL QILISHNING O‘RNI	119-125
<i>Орзукулова Зумрад Абдуҳолиқ қизи</i> ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ	126-133
<i>Djurakulov Shoxrux, Isaxonova Mohinur</i> O‘ZBEKISTONDA RAQAMLI IQTISODIYOT VA UNI TAKOMILLASHTIRISH IMKONIYATLARI	134-139
<i>Raxmatullayeva Feruza Azimovna, Sharobiddinov Ahrorbek Qosimjon o‘g‘li</i> YALPI HUDUDIY MAHSULOT SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO‘LLARI	140-146
<i>Ёдгорова Шахноза Хайридиновна</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБАЛАРИ	147-155
<i>Qurbonov Ma‘murjon G‘ayrat o‘g‘li</i> ASOSIY ISHLAB CHIQRISH KO‘RSATKICHLARINI TAKOMILLASHTIRISH USLUBIYATI	156-166
<i>Nurullayev Hoshimjon Hamidovich</i> BUXORO VILOYATINING NOMODDIY-MADANIY MEROSONING O‘ZBEKISTON TURIZMI RIVOJLANISHIDAGI ANAMIYATI	167-172
<i>Маматов Бахадир Сафаралиевич</i> РИВОЖЛАНГАН ВА РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ ТАЖРИБАЛАРИ	173-188
<i>Ғойипназаров Санжар Баходирович</i> ИНСОН КАПИТАЛИНИ РАҚАМЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДРАЙВЕРЛАРИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МОДЕЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	189-195
<i>Садинов Азиз Зиядуллаевич</i> ЧИҚИНДИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	196-203
<i>Қурбонова Раҳима Жамшедовна, Мирзаева Ширин Нодировна, Хакимов Дамир</i> ИЖТИМОЙ КАПИТАЛНИ ЎЛЧАШДА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ	204-216
<i>Asatxodjayeva Shoira Shukurullayevna, Maxmudov Muxammadqodir Muzaffar o‘g‘li</i> YASHIL IQTISODIYOTNING MOHIYATI VA UNGA INVESTITSİYALARNI YO‘NALTIRISH ZARURIYATI	217-222

Исломов Алишер Бахтиёр ўғли
БУХГАЛТЕРИЯ АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА ПРОФЕССИОНАЛЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ 223-229

Agzatova Nargiza Garurovna
SPECIFICS OF ETHNOGRAPHIC TOURISM AND ETHNIC TOURISM IN UZBEKISTAN 230-237

Муродова Дилноза Чориевна
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ
ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ 238-245

Khodjaeva Shodiyabonu Abitdjanovna
QISHLOQ XO'JALIGIDA AGROMARKETING TIZIMINING AHAMIYATI VA UNING
FUNKSIYALARI 246-250

09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

Нуруллаева Зулхумор Сидаматовна
МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ МАДАНИЯТ ТИЗИМИДА МАҚОМ САНЪАТИНИНГ
ЎРНИ 251-259

Ibroximov Sarvar Mo'yudinjon o'g'li
IJTIMOIY-GUMANITAR VA MUTAXASSISLIK FANLARNI INNOVATSION PEDAGOGIK
TEKNOLOGIYALAR ASOSIDA O'QITISH ORQALI TALABALARDA FUQAROLIK POZITSIYASINI
TAKOMILLASHTIRISH 260-265

Yuldashev Ibroxim To'uchiyevich
MOVAROUNNAHR VA XUROSONDA MINIATYURA SAN'ATINING ADABIYOT BILAN O'ZARO
UYG'UNLIGI VA G'OYAVIY ESTETIK VA AXLOQIY TASAVVURLARINING
MUSHTARAKLIGI 266-271

Khamdamova Sitora Safarovna
MARKAZIY OSIYO XALQLARI TARIXIY TARAQQIYOTIDA KROSS-MADANIYATINING O'ZIGA
XOSLIGI 272-277

Абдуллаев Джасур Абдиваит ўғли
ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ КЛАССИФИКАЦИИ КАЧЕСТВ СОВЕРШЕННОГО
ЧЕЛОВЕКА 278-283

10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Xasanov Akbarjon Abdurashidovich
O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA MILLIY KONSEPTOSFERANI VOQELANTIRUVCHI LINGVISTIK
BIRLIKLAR BO'YICHA AMALGA OSHIRILGAN TADQIQOTLAR 284-292

Qurbonova Muharram Jurabekovna
XURSHID DAVRON SHE'RIYATINING TIL XUSUSIYATLARI 293-297

Сафарова Замира Рустамовна
ИНГЛИЗЧА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР ТАРКИБИДАГИ ИНСОН НОМЛАРИНИНГ ЭТИМОЛОГИК
ТАСНИФИ 298-304

<i>Gubaydullin Artur Faridovich</i> THE NUANCES OF HUMOR TRANSLATION IN TERRY PRATCHETT'S 'GOOD OMENS'	305-313
<i>Tuxtayeva Dildora Zokirovna, Baxtiyorova Malikabonu Shavkat qizi</i> ETEL LILIAN VOYNICHNING “SO’NA” ASARIDA BOSH QAHRAMONLAR DINAMIKASI ...	314-318
<i>Seytnazarova Injayim Erjanovna</i> TILEWBERGAN JUMAMURATOV ASARLARIDA UNDA LMALARNING USLUBIY QO’LLANILISHI	319-325
<i>Асадова Дилбархон</i> ЎРХОН ПАМУҚНИНГ “ҚОРА КИТОБ” РОМАНИДА “ЎЗЛИКНИ ИЗЛАШ” МОТИВИ	326-342
<i>Khusanov Eldor Davlat o’g’li</i> BUYUK BRITANIYA VA AMERIKA INGLIZ SHEVALARINING O’XSHASH VA FARQLI JIHATLARI	343-348

12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Утемуратов Махмут Ажимуратович</i> ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ – ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ	349-355
<i>Шымбергенова Улзада</i> ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИДА ВОЯГА ЕТМАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПЕДАГОГ (ПСИХОЛОГ)НИНГ РОЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	356-362
<i>Полвонов Нажмиддин Аслиддинович</i> ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МОЛ-МУЛКНИ МУСОДАРА ҚИЛИШ МАҚСАДИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ	363-372
<i>Мирзаев Шухрат Шавкатович</i> КАТЕГОРИЯ «ДЕЙСТВИЕ ПРАВА»: ПОНЯТИЕ, СУЩНОСТЬ И ПРЕДЕЛЫ	373-382
<i>Муҳаммадиев Сарвар Асқар ўғли</i> “ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ УНДИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ”	383-392
<i>Махмудов Суннат Азим ўғли</i> ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШ АСОСИ СИФАТИДА ЯРАШУВ ВА ХУСУСИЙ АЙБЛОВНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ	393-399

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Farrux Axmedov</i> XALQARO TAJRIBALAR ASOSIDA KURASHNI RIVOJLANTIRISH	400-409
<i>Музафарова Саодат Хайдаровна</i> ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА МУСИҚА ВА УНИНГ ЭСТЕТИК АҲАМИЯТИ	410-415

<i>Xaydarova Iroda Nizomiddinovna</i> BO'LAJAK INGLIZ TILI O'QITUVCHILARI TALAFFUZINI TAKOMILLASHTIRISH NUQTAYI NAZARIDAN 2020-2021 O'QUV YILI FAN DASTURLARI VA MATERIALLARI TAHLILI ...	416-421
<i>Шукурова Нафиса Алишеровна</i> ЗАМОНАВИЙ ВОЛЕЙБОЛГА ХОС ҲИМОЯ ҲАРАКАТЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБДА ШАКЛЛАНТИРИШ	422-427
<i>Nigmanov Bori Botirovich</i> FUTBOLCHILARNI TAKTIK TAYYORLASHDA HARAKATLI O'YINLARNING AHAMIYATI	428-433
<i>Муродова Дурдона Раимжон қизи</i> БЎЛАЖАК МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ БАДИИЙ-ЭСТЕТИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИ	434-438
<i>Axmedov Alisher Nosir o'g'li</i> ANSAMBL BILAN ISHLASH METODLARI VA TAMOYILLARI	439-447
<i>Saparboyeva Dilshoda Sobir qizi</i> BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIDA INSON QADRINI ULUG'LASH MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH MEKANIZMLARI	448-452
<i>Mansurbekova Feruza Gayratovna</i> BOLALAR XORLARI BILAN ISHLASHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	453-456
<i>Xodjayev Bolta Qurbonovich, Xojiyeva Matluba Shukurovna</i> O'QITUVCHI MEHNATNI ILMIIY ASOSDA TASHKIL ETISH YO'LLARI	457-465
<i>Atamuratova Munira</i> O'ZBEK GURUHLARIDA INGLIZ TILINI XORIJIY TIL SIFATIDA O'QITISHDA MADANIY ASPEKTDAN FOYDALANISHGA OID ZAMONAVIY YONDASHUVLAR VA INTERFAOL METODLAR TAVSIFI	466-471
<i>Нурилло Эминов</i> ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИНИНГ МОҲИР ИЖРОЧИСИ ОТАХОН МАТЁҚУБОВНИНГ ИЖОДИГА БИР НАЗАР	472-476

07.00.00 – Тарих фанлари

Rasulov Azizkhon Mukhamadqodirovich

Farg'ona davlat universiteti, o'qituvchi

+99894 553 63 35

ORCID: 0000-0003-3534-6047

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРИХИ МАНБАЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихига оид манбалар тадқиқ этилган. Бу даврни ўрганишда манбаларни тўплаш, таҳлил қилиш ва жамлаш жараёнлари ўрганилади. Расмий манбаларнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари материаллари Ўзбекистон Республикаси тарихига оид манба сифатида тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: Демократия, интернет, провайдер, аълоқа ва ахборот, электрон ресурс, маълумотлар алмашинуви, виртуал дунё, компьютер, қонунчилик базаси, расмий манбалар, маданият, халқаро хамкорлик, қонунчилик, матбуот.

Расулов Азизхон Мухамадқадирович

Ферганский государственный университет,

преподаватель

ОБЩАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ИСТОЧНИКОВ ПО ИСТОРИИ ПЕРИОДА НЕЗАВИСИМОСТИ УЗБЕКИСТАНА

Аннотация. В статье рассматриваются источники по истории независимости Узбекистана. При изучении этого периода описываются процессы собирания, анализа и сосредоточения на источниках. Были обсуждены роль и значение официальных источников. Также материалы СМИ изучаются как источник истории Республики Узбекистан.

Ключевые слова: Демократия, интернет, провайдер, связь и информация, электронный ресурс, обмен данными, домен, виртуальный мир, компьютер, правовая база, официальные источники, культура, международное сотрудничество, законодательство, пресса.

Rasulov Azizkhon Mukhamadqodirovich

Fergana State University, teacher

GENERAL DESCRIPTION OF THE SOURCES OF THE HISTORY OF THE INDEPENDENCE PERIOD OF UZBEKISTAN

Abstract. The article examines sources on the history of Uzbekistan's independence. In the study of this period, the processes of collecting, analyzing and focusing on sources are described. The role and importance of official sources were discussed. Also, media materials are studied as a source of the history of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: Democracy, internet, provider, communication and information, electronic resource, data exchange, domain, virtual world, computer, legal base, official sources, culture, international cooperation, legislation, press.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3SI4Y2023N10>

Кириш. Истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикаси мустақил суверен давлат сифатида жаҳон ҳамжамитида ўз ўрнига эга бўлди. Ўзининг ишлаб чиқариш саноати, иқтисодий салоҳияти, қимматли табиий бойликлари билан дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари билан тенг шериклик аълоқалари йўлга қўйилди. Машаққатли ва зиддиятли пайтларда, ўтиш даврининг ўзига хос мураккабликлари мавжуд бўлган бир вақтда Ўзбекистонда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий барқарорликнинг сақлаб турилиши мамлакат ҳукумати фаолиятининг асосига айланди. Бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат яшаётган мамлакатда турли ақидалар ва ғоялари бўлган халқнинг талаб-эҳтиёжларини ўз вақтида қондириш, уларнинг қарашларини бир нуқтада жамлаш муҳим вазифага айланди [12; 931 б].

Марказлаштирилган режали иқтисодиётдан бозор тизимига ўтиш даврида Ўзбекистон бир қанча фундаментал тамойилларни ўз олдига қўйди. Бу тамойиллар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни, дунёвий давлат асосини ташкил этувчи ҳуқуқий давлатни қарор топтиришни, қонун олдида тенгликни таъминлашни қамраб олди. Бундан ташқари, хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришга ҳаракат қилинди. Илғор технологияларни ўзлаштириб, мамлакат ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилишга трансформатив ёндашув қўлланилди. Бу жараёнлар ҳақида маълумот тарқатиш, аҳоли онгини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистон танлаган йўлини дунё бир жамият тузилмасидан иккинчисига ўтишдаги қимматли тажриба сифатида тан олди.

Ўтган йиллар Ўзбекистон ҳукуматининг ислохотчилик сиёсати бевосита халқ дунёқараши, унинг минг йиллар мобайнида шаклланган урф-одатлари, анъаналари билан уйғун ҳолда амалга оширилганлигини кўрсатди.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Ўзбекистон мусталлиги даври энг муҳим ҳужжатлари Р. Х Муртазаева таҳрири остида чоп этилган «Ўзбекистон тарихи» китоби, Н. Жўраев ва Т. Файзуллаев томонидан тузилган “Мустақил Ўзбекистон тарихи”, Н. Жўраевнинг 2013 йилда қайта нашр этилган “Мустақил Ўзбекистон тарихи”, “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи хрестоматияси” ва Р. Арслонзоданинг “Источниковедение” дарслигида, ўз аксини топган [14; 641 б].

Мустақиллик даврида манбашуносликка оид чоп этилган тўпламлар ва Б. А. Аҳмедовнинг “Ўзбекистон тарихи манбалари” асари, “Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекистана” номли – каталог ва бошқа шу йўналишдаги тадқиқотлар асосида яратилган. Унда форс, юнон, латин, хитой, араб ва туркий тиллардаги манбалар тўғрисида энг муҳим ва зарур маълумотлар келтирилган.

Ўзбекистон истиқлол даври тарихига оид расмий ҳужжатлар собиқ иттифоқ даври ҳокимияти тизими сўнгги давридаги қарорлардан бошланади. Чунки мустақилликнинг қўлга киритилиши собиқ иттифоқнинг бархам топиши билан бевосита боғлиқ. Бу давр ҳужжатларининг бир қисми собиқ иттифоқ тизимида қабул қилинган. Чунончи, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг 1989 йил 21-октябрдаги ўн биринчи чақириқ ўн биринчи сессиясида “Давлат тили ҳақида”ги Қонун қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. 1990 йил 24-мартда бўлиб ўтган Ўзбекистон

ССР Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ биринчи сессиясида Ўзбекистон тарихида биринчи марта Президентлик лавозими таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг 1990 йил 20-июндаги ўн иккинчи чақириқ иккинчи сессиясида “Ўзбекистоннинг Мустақиллик декларацияси” қабул қилинди. Шу билан бирга Олий Кенгашнинг “Ўзбекистоннинг давлат рамзлари тўғрисида” ги махсус қарори ва “Ўзбекистон ССР ҳудудида жойлашган Иттифоққа бўйсинувчи давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларини Ўзбекистон ССРнинг ҳуқуқий тобелигига ўтказиш тўғрисида” ги тарихий аҳамиятги молик қарорлари қабул қилинди. Мазкур жараёнлар доимий равишда оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида бўлганлиги ва узлуксиз ёритиб борилганини ўша давр матбуоти материаллари мисолида кўришимиз мумкин.

Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихи манбаларининг иккинчи қисм расмий ҳужжатлари мустақил Ўзбекистон раҳбарият органлари томонидан қабул қилинган, Олий Кенгашнинг «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида» ги Қарори, мустақилликнинг дастлабки йилларида ўз моҳиятига кўра республиканинг вақтинча конституцияси ролини ўйнаган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида” ги Қонун, «Ўзбекистон Конституцияси», қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқалар ҳисобланади [15; 635 б].

Муҳокама. Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг маъруза ва нутқларида, монографик асарларида ҳам ўз аксини топган. И.Каримов «Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати» номли рисоласида, - «Ўзбек миллати азалдан ўз фикри зикри, ўз истиқлоли учун курашиб яшаган. Бунга мозий гувоҳ. Миллатимиз тарихи ҳақидаги ҳақиқат, юртимизнинг фидойи, ўз йўлидан, маслагидан, сўзидан қайтмайдиган фарзандларига очилиши лозим. Билишимиз шарт бўлган тарих саҳифаларини кунт билан варақлаш ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз» - деганда ана шу ҳолатни назарда тутди. Халқимиз тарихи у ўз ўтмишида озодлик, истиқлол учун тинимсиз кураш олиб борганидан гувоҳлик беради.

И.А. Каримов асарларида Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Аҳмад Яссавий, Жалолiddин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Улуғбек каби муҳтарам аждодларимизнинг жаҳон маданиятига қўшган салмоқли ҳиссасини ёритибгина қолмай, мустақил республикамиз тараққиётининг муҳим йўналишлари ҳам алоҳида таъкидланган. Бу нуфузли асарлар инглиз, француз, испан, немис, ҳинд, хитой, араб каби кўплаб хорижий тилларга таржима қилинган ва хорижда бир неча бор нашр этилган. Республикамизда И.А.Каримовнинг 23 жилддан иборат асарларининг тўплами нашр этилган.

Бундан ташқари, давлат раҳбари сифатида И.А. Каримов республикамизнинг халқаро сиёсатини шакллантиришда ҳал қилувчи рол ўйнади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов асарлари мустақиллик даври тарихини ўрганишда бебаҳо манба бўлиб хизмат қилади.

Мустақиллик тушунчаси тарих давомида инсониятнинг орзу-интилишлари, истаклари ва курашларини изчил ифодалаб келган. Барча тирик мавжудотлар каби

одамлар абадий эркинлик ва озодликка интилишган. Ҳаётнинг барча жабҳаларида эркинликни ҳис қилиш ва хавфсизлик ҳолатида яшаш учун инсон ҳамisha эҳтиёж сезади.

Ўзбекистон ҳам мустақиллик йилларида жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъектига айланди ва ўз тараққиёт йўлини мустақил белгилаш имкониятига эга бўлди. Коммунистлар ҳукмронлиги даврида ўзига ўрнатилган тоталитар социалистик тузумдан воз кечиб, бозор муносабатларига асосланган демократик давлат қуриш йўлидан борди.

Мамлакатда жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган туб ислоҳотлар амалга оширилди. Бу ислоҳотлар самараси саноат ва қишлоқ хўжалигида амалга оширилган чуқур таркибий ўзгаришлар бўлиб, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг жадал ривожланишига кенг йўл очди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихини ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳада эришилаётган ютуқларнинг шарт-шароитини чуқур таҳлил қилиш, ҳали ҳал этилмаган муаммоларнинг сабаблари ва юзага келиши мумкин бўлган оқибатларини ўрганиш, уларни бартараф этиш йўллариини излаш зарур.

Ўзбекистон тарихи бўйича мустақиллик даврида кўплаб ёзма манбалар яратилган ва ҳозиргача яратилмоқда. Буларга республика парламенти томонидан қабул қилинган қонун ҳужжатлари, мустақил давлатимиз асосчиси И.А.Каримов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг асарлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг иш ҳужжатлари, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари, статистик манбалар, даврий нашрлар материаллари, виртуал манбаларни киритиш мумкин. Мазкур ёзма манбаларда халқимиз мустақиллик йилларида босиб ўтган шонли ва айни пайтда машаққатли йўл ўз ифодасини топган.

Натижалар. Мустақиллик даври тарихий манбалар жамланмаси турлари жиҳатидан олдинги давр манбаларидан унчалик фарқ қилмайди. Бироқ, XX аср охири ва XXI аср бошлари ахборот технологияларининг жадал ривожланиши ва глобал ахборот тармоғи - Интернетнинг пайдо бўлиши билан ажралиб турди, бу манбашунослик ва тарих фанининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Шу муносабат билан виртуал манбалар каби янги турдаги манбаларнинг пайдо бўлиши муҳим янгилик бўлди [2; 656 б].

Ёзма манбалар, шу жумладан архив ҳужжатлари учун рақамли форматларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг Интернетда мавжудлиги тадқиқотчилар учун манбашунослик ва умуман тарих соҳасининг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатадиган янги манбалар мажмуасини тақдим этади.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг энг янги тарихига оид турли кўринишдаги манбалар ўзининг ахборот мазмуни, энг муҳими, улардаги маълумотларнинг ишончлилик даражаси жиҳатидан бир хил эмаслигини таъкидлаш лозим. Демак, уларнинг айримларида (қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари, ҳукумат қарорлари ва бошқалар) жамият ҳаётининг турли соҳаларининг ривожланиш динамикаси ҳақида бой ва объектив материаллар берилган. Шу билан бирга, айрим турдаги манбаларга танқидий ёндашув талаб қилинади.

Бу, айниқса, виртуал манбалар учун хосдир, чунки Интернетга ҳақиқат ва ишончли маълумотлар билан бир қаторда шубҳали мазмундаги маълумотлар, кўпинча

сенсация учун мўлжалланган ёки муайян сиёсий ва мафкуравий мақсадларни кўзлаб жойланади. Статистик манбаларни, шунингдек, даврий матбуот саҳифаларида чоп этилган материалларни ҳам чуқур таҳлил қилиш талаб этилади. Мавжуд барча манбалардан ҳар томонлама ва танқидий фойдаланиш мустақиллик давридаги Ўзбекистон халқлари ҳаётининг кенг ва холисона тарихини қайта яратиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар мустақиллик даври тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Мустақилликка эришгач, парламент фаолияти тубдан ўзгарди. Хусусан, олий қонун чиқарувчи органга сайлов жараёнига ўзгартиришлар киритилди. Парламент депутатлари сайлови муқобил тизимга ўтди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи органи – Олий Мажлис икки палатали тузилмага айлантирилди. Қонунчилик палатаси деб аталадиган кўйи палата ўз фаолиятини профессионал асосда олиб борди, депутатлар аввалги расмий вазифаларидан озод этилди. Ҳар бир сиёсий партия ўз номзодини кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлди ва бу орқали қабул қилинаётган қонунлар сифати ошди.

Мустақилликнинг эълон қилиниши қонунчиликни тубдан қайта кўриб чиқишни талаб қилди. Биринчидан, собиқ совет қонунлари янги воқеликка мос келмас эди, улар жамиятнинг янги сифат даражасига ўтишига тўсқинлик қилди. Қонунчиликни бугунги кун талаблари асосида янгилаш вазифасини ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўйди. Иккинчидан, мамлакатимизда бошланган туб ислохотлар ҳуқуқий асосга эга бўлиши керак эди, чунки Ўзбекистон мустақилликнинг илк кунлариданоқ ривожланишнинг демократик, ҳуқуқий давлатчилик йўлини танлаган эди.

Бу эса ўз навбатида янги конституцияни қабул қилишни ва қонунчиликни тубдан янгилашни талаб қилди. Мазкур вазифани Олий Кенгаши (1900-1994) ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи чақириқлари ҳал қилди. Қабул қилинган янги қонунлар, уларга киритилган қўшимча ва аниқликларни таҳлил қилиш давлатимиз томонидан жамият ҳаётининг турли соҳаларида олиб борилаётган сиёсатнинг мазмун-моҳиятини тушунишга ёрдам беради.

Янги давлатнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тузилишини белгилаб берган муҳим ҳужжат 1992 йил 8-декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўлиб, унда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган стратегик йўналиши – унинг демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидаги йўналишлари белгилаб берилган [3; 431 б].

Ўтган йилларда республика парламенти томонидан иқтисодий соҳага оид қабул қилинган қонунлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури эса ўрта махсус ва олий таълимнинг янги тизимини яратиш истиқболларини очди. Худди шундай, бошқа ижтимоий соҳаларга тегишли қонунлар ҳам янгиланиш жараёнларининг ҳуқуқий асосларини яратади.

Шунинг учун ҳам мустақиллик давридаги Ўзбекистон тарихини ўрганишда қонун ҳужжатларини пухта ўрганиш, муайян қонунга киритилган ўзгартиришлар

сабабларини таҳлил қилиш, қонунлар ижросини кузатиб бориш, шу асосда илмий асосланган хулосалар чиқариш манбашуносликнинг муҳим вазифаси саналади.

Мустақиллик даври тарихининг энг муҳим манбалари қаторида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, фармойиш ва қарорлари ҳам борки, улар мамлакат тараққиётининг турли босқичларида стратегик вазифаларнинг амалга оширилишининг боришини кузатиш имконини беради. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 12-январдаги “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони қайд этилган ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни, мамлакатимизнинг иқтисодий юксалишини жадаллаштиришга қаратилган. Ушбу мақсадга эришиш учун Фармонда: маҳаллий ва хорижий инвесторларга солиқ имтиёзлари бериш, маҳаллий хомашё асосида фаолият юритувчи қўшма корхоналарнинг хорижий капитал иштирокида қурилиши, янги иш ўринлари ташкил этиш кўзда тутилган. Президентнинг 2017 йил 15-февралдаги “Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан Ўзбекистонда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги негизида иккита алоҳида тузилма ташкил этилди [5; 804 б]. Ушбу соҳаларга раҳбарлик қилиш – Маданият вазирлиги ва Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига юклатилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 17-февралдаги “Фанлар академияси фаолиятини янада такомиллаштириш, илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида Фанлар академиясининг ҳозирги босқичдаги асосий вазифалари ва устувор йўналишлари белгилаб берилган. Фармонга мувофиқ, Фанлар академияси таркибида бир қатор янги илмий-тадқиқот тузилмалари ташкил этилиб, илгари бошқа муассасаларга ўтказилган собиқ тузилмалар қайтарилди. Мазкур қарордан кўзланган асосий мақсад мамлакатимиз илм-фанини жаҳон даражасига чиқаришни таъминлаш, фан ва ишлаб чиқаришнинг чамбарчас интегратсиялашувига эришишдан иборат.

Мустақиллик йилларида қабул қилинган қонун ҳужжатлари, қоида тариқасида, оммавий ахборот воситалари, жумладан, интернет тармоғида мунтазам эълон қилиб келинмоқда. Бундан ташқари, “Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами” туркуми мунтазам нашр этилиб, унда янги қонунлар билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари ҳам чоп этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Каримовнинг асарлари мустақиллик давридаги Ўзбекистон тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Унинг Олий Мажлис сессияларидаги маърузаларида республикадаги сиёсий вазият, амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши, жамият ҳаётининг турли жабҳаларида эришилган муваффақиятлар ўз ифодасини топди. Биринчи Президентимизнинг мақола ва интервьюларида республикамизнинг чорак асрлик мустақил тараққиёт йўлидаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётига оид бой материаллар мавжуд.

И.А.Каримовнинг биринчи йирик асари “Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” рисолаидир. Унда демократик, ҳуқуқий давлат барпо этиш йўналишлари,

республикада бозор муносабатларини шакллантиришнинг асосий параметрлари белгилаб берилди [6; 2 б].

И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби катта аҳамиятга эга бўлиб, унда республиканинг иқтисодий аҳволи ҳар томонлама таҳлил қилинган. Муаллиф мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг дастлабки натижаларини сарҳисоб қилиб, кейинги босқичда ҳал этилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб берди.

Китобни мутолаа қилар эканмиз, республикамиз иқтисодиётидаги чуқур таркибий ўзгаришлар, саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда ўзини намоён қилган ижобий тенденциялар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўламиз. Жумладан, давлат мулкни хусусийлаштириш, кўп тармоқли иқтисодиёт асосларини яратиш, деҳқон (фермер) хўжаликларининг пайдо бўлиши, нархларни эркинлаштириш, хорижий шериклар билан қўшма корхоналар ташкил этиш масалалари шулар жумласидандир.

Давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва унинг ривожланиш истиқболларини белгилашда И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китоби катта аҳамиятга эга бўлди. Кўпчиликка Мустақилликнинг дастлабки йилларида ёш давлатимиз тараққиётига жиддий таҳдидлар йўқдек туюларди. Бироқ, китоб бундай қарашнинг муваффақиятсизлигига бизни ишонтирди. Унда давлатимиз учун мавжуд ички ва ташқи таҳдидлар, уларни бартараф этиш йўллари аниқ очиб берилди. Шу билан бирга, муаллиф Ўзбекистонда дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига кириши учун барча имкониятлар мавжудлигини таъкидлади [9; 871 б].

И. Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеяси сессиялари, турли халқаро симпозиумлар, хорижий давлатлар раҳбарлари билан учрашувларидаги маърузаларида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг фундаментал тамойиллари ва йўналишлари ўз ифодасини топди. Биринчи Президентимиз асарларини ўрганар эканмиз, мамлакатимизнинг Марказий Осиёда жамоавий хавфсизлик тизимини яратиш, Орол муаммосини ҳал этиш, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши, диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши курашишга қаратилган тинчликпарвар ташқи сиёсати ҳақида маълумот оламиз.

Давлатимизнинг бугунги аҳволини, ривожланиш истиқболларини англашда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг асарлари катта аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 14-декабр куни Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги асосий маърузаси ва 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида Ўзбекистонни келгуси беш йилдаги ривожлантиришнинг асосий параметрлари белгилаб берилди.

Президентимизнинг Республика парламентиغا Мурожаатномалари Ўзбекистоннинг янги тарихига оид янги турдаги манбаларга айланди. Шундай қилиб, 2017 йил 25-декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев биринчи марта Олий Мажлис депутатларига 2017 йилда республика ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий яқунларини сарҳисоб қилинган ва 2018 йилдаги устувор вазифаларни белгилаб берилган Мурожаатнома йўллади. Унда Ўзбекистон меҳнаткашлари томонидан иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантиришда

эришилган муваффақиятлар қайд этилибгина қолмай, ҳал қилинмаган вазифалар ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўллари ҳам кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, давлат бошқаруви тизими ҳам марказий, ҳам шаҳар даражасида кенг қамровли қайта қурилишни бошдан кечирди. Конституцияга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси деб номланувчи янги олий ижроия органи ташкил этилди. Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси каби янги вазирлик ва идоралар билан бир қаторда маҳаллий саноат корпорациялари, консернлар ва холдинг компаниялари унинг таркибини ташкил этди. Бундан ташқари, вилоят ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қайта ташкил этилиши натижасида вилоят, шаҳар ва туман даражасида халқ депутатлари кенгашлари, ҳокимликлар каби янги ўзини-ўзи бошқариш институтлари пайдо бўлди. Ушбу ўзгаришлар Ўзбекистонда давлат бошқарувини модернизация қилиш ва самарадорлигини оширишга қаратилган.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси тарихини ўрганишда марказий ва маҳаллий давлат муассасалари ҳужжатларининг аҳамияти ҳам беқиёс. Вазирлик ва идораларнинг иш юритиш ҳужжатларида республика халқ хўжалиги тармоқларининг ривожланиши ҳақида муҳим маълумотлар мавжуд.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳужжатларида мустақиллик йилларида аграр соҳада амалга оширилган ўзгаришлар – фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил этиш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш каби вазифалар ўз ифодасини топган бўлса, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари иш ҳужжатларида мустақиллик йилларида республикадаги олий ва ўрта мактабларни ривожлантириш, академик лицей ва касб-хунар коллежларини ташкил этиш, олий таълим тизимини такомиллаштириш (бакалаврлар ва магистрлар тайёрлашга ўтиш), фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграл саноат тўғрисида батафсил маълумотлар берилган.

Истиқлол йилларида шаклланган вилоятларнинг тарихи маҳаллий ҳокимликлар ва халқ депутатлари кенгашлари ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Маҳаллий Кенгашлар сессияларининг баённомаларида, ҳокимларнинг қарор ва фармойишлари, ҳокимлик бўлимларида тузилган турли ҳисоботлар, маълумотномалар, хатлар, республика шаҳар ва туманларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид бой материаллар мавжуд. Шу билан бирга, маҳаллий ҳокимият органларининг иш юритиш ҳужжатларида баъзан ишларнинг ҳақиқий ҳолатини бўрттириб кўрсатиш мавжудлигини унутмаслик керак. Бу, айниқса, қуйи ташкилотларнинг юқори органларга тақдим этган ҳисоботларида учрайди. Шунинг учун иш юритиш ҳужжатларини ўрганишда танқидий ёндашув талаб этилади.

Мустақил Ўзбекистонда демократик жараёнларнинг ривожланиши республикада кўппартиявийлик тизимининг шаклланишида ўз ифодасини топди. Маълумки, Совет даврида Коммунистик партия ҳокимиятни эгаллаб олган ягона сиёсий партия эди. Бироқ мустақил тараққиётнинг дастлабки босқичидаёқ Ўзбекистонда сиёсий манзара ўзгара бошлади. Коммунистик ғоя ниҳоят ўзини обрўсизлантиргани сабабли Ўзбекистон Компартияси тарқатиб юборилгани эълон қилинди.

1991 йилда унинг кўплаб аъзолари янги сиёсий партия – Ўзбекистон Халқ демократик партиясига (ХДП) бирлашдилар. Кейинги йилларда эса Мустақил Ўзбекистонда бир қатор янги сиёсий партиялар майдонга чиқди. 1992 йилда “Ватан

тараққиёти” партияси, 1995 йилда “Миллий тикланиш” ва “Адолат” сотсиал-демократик партиялари тузилди. 1998 йилда янги сиёсий партия – “Фидокорлар” миллий демократик партияси тузилди. 2003 йилда эса яна бир партия – Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси майдонга чиқди [10; 545 б].

2000 йил 14-апрелда “Ватан тараққиёти” партияси “Фидокорлар” партияси билан, кейинроқ эса “Миллий тикланиш” партияси билан бирлашди. Барча партиялар парламент партиялари бўлиб, жамият тараққиётининг демократик, ислохотчилик йўлини бошқаради. Уларнинг Олий Мажлисдаги фраксиялари жамиятда бўлаётган сиёсий жараёнларга ўз таъсирини ўтказишга интилади.

Сиёсий партияларнинг ҳужжатлари Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихи бўйича муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда. Сиёсий партияларнинг стратегик мақсадлари уларнинг дастурларида ўз ифодасини топган, низомларда партия ички ҳаёти нормалари белгилаб берилган. Партиялар қурултойлари, уларнинг вилоят, шаҳар, туман кенгашлари йиғилишларида қабул қилинган қарорларида уларнинг сайловчилар билан амалга оширган ишлари ўз ифодасини топган. Партия ҳужжатларини ўрганиш ва таҳлил қилиш уларнинг ҳар бирининг жамият сиёсий ҳаётидаги ўрнини тушуниш имконини беради. Сиёсий партиялар фаолияти тўғрисида кўплаб маълумотларни уларнинг босма органлари – партия газета ва журналлари саҳифаларидан ҳам олиш мумкин.

Мустақиллик даврида Ўзбекистонда аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ифодаловчи турли жамоат ташкилотлари фаолияти учун қулай шароитлар яратилди. Касаба уюшмалари, хотин-қизлар кўмиталари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, “Нуроний” жамғармаси, турли ижодий уюшмалар - театр ходимлари жамияти, ёзувчилар уюшмаси, рассомлар уюшмаси, бастакорлар уюшмаси каби давлат ва нотижорат ташкилотлари шулар жумласидандир.

Жамоат ташкилотлари ўз фаолияти давомида нафақат ушбу ташкилотларнинг, турли жабҳалари ҳақида балки жамият ҳаётининг қизиқарли маълумотларни тақдим этадиган кўплаб ҳужжатларни яратадилар. Масалан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳужжатлари йигит-қизларнинг миллий иқтисодиёт, илм-фан, маданият ва спортни ривожлантиришдаги ўрнини тушуниш имконини беради. 1999-2017 йилларда фаолият олиб борган “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати республикада ёшлар масалаларига даҳлдор асосий ташкилот вазифасини бажарган. Масқур йиллар давомида унинг сафи йил сайин ортиб борганини кўрамиз.

Хотин-қизлар кенгашларининг иш ҳужжатларида эса аёлларнинг жамиятдаги мавқеи, сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳақида бой материаллар ўрин олган.

Жамият тараққиёти натижаларини тушунишда, унинг ривожланиш истиқболларини белгилашда статистик материаллар муҳим рол ўйнайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш шароитида Ўзбекистонни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва истиқболларини аниқлашга доир тахмин ва таҳлил ишларининг юқори даражада бўлишини таъминлаш, миллий ҳисоб-китоблар тизимини изчиллик билан жорий этиш, халқаро меъёрлар ва андозаларга мос келадиган

пухта ва ишончли статистика ахборотини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси президенти фармони билан 1992 йил 5-августда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг истиқболлини белгилаш ва статистика давлат комитетини ташкил қилинди. Қўмита зиммасига мамлакатда ягона статистика сиёсатини олиб бориш, Ўзбекистонни тараққий эттириш, унинг устувор йўналишлари ва ташқи иқтисодий алоқалари стратегиясини ишлаб чиқиш, жаҳон ҳамжамиятига киришни, жаҳон бозоридаги аҳволни эътиборга олган ҳолда республика халқ хўжалиги мажмуини самарали тарзда ихтисослаштириш ва республикани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш кўрсаткичларини белгилаш ва аниқлаш соҳасида республиканинг иқтисодий органлари, вазирликлар, идоралар, консернлар, уюшмалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, ҳокимиятлар, корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш каби бир қатор вазифалар юкланди. Ўтган йиллар давомида статистика хизмати ўзига юкланган вазифаларни муваффақиятли бажариб келмоқда.

Мазкур хизмат ҳодимлари томонидан мамлакатимиз ва унинг алоҳида ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид статистик маълумотларни мунтазам тўплаш ва тизимлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу статистик материаллардан фойдаланмасдан туриб, умуман республиканинг ҳам, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ҳам ривожланиш динамикасини алоҳида кузатиш мумкин эмас.

Бироқ, статистик маълумотлардан, шунингдек, бошқа барча турдаги манбалардан фойдаланганда, тадқиқотчи иложи борича эҳтиёткор бўлиши керак. Гап шундаки, статистикада кўплаб иқтисодий кўрсаткичлар (ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, иш ҳақи ва аҳоли даромадлари ва бошқалар) пул кўринишида қайд этилади, инфляция эса, қоида тариқасида, ҳисобга олинмайди.

Натижада, бундай статистик маълумотлар ҳар доим ҳам маълум бир соҳадаги реал динамикани етарли даражада акс эттирмайди. Бундан ташқари, яна бир муҳим жиҳатни эътиборга олиш керакки, айрим раҳбарлар “бўрттириб юбориш”, яъни улар бошқарадиган корхоналар ёки консернлардаги ишларнинг аҳволи тўғрисида қизғин тасаввур яратиш мақсадида статистика органларига бироз бўрттирилган рақамларни тақдим этишлари мумкин. Шунинг учун статистик маълумотларни бошқа манбалар билан текшириш мақсадга мувофиқдир.

Мустақиллик даври тарихига оид манбаларнинг яна бир муҳим гуруҳини оммавий ахборот воситалари: даврий нашрлар, радио ва телевидение, интернет орқали эълон қилинган материаллар ташкил этади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари сони 3,5 баробардан зиёдга кўпайди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг расмий органлари бўлган “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари билан бир қаторда янги ташкил этилган сиёсий партиялар томонидан нашр этиладиган газета ва журналлар ҳам пайдо бўлди. Чунончи, Халқ Ўзбекистон демократик партияси томонидан “Ўзбекистон овози” ва “Голос Узбекистан” газеталари, “Ватан тараққиёти” партияси “Ватан” газетаси, “Адолат” сотсиал-демократик партияси – “Адолат” газеталари нашр этилди, “Миллий тикланиш” партияси – “Миллий тикланиш” газетаси, “Фидокорлар” партияси – “Фидокор” газетаси, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси – “XXI аср” газетаси, “Халқ бирлиги” ҳаракатининг – “Халқ бирлиги” газеталари шулар жумласидандир. Қатор вазирлик ва

идоралар, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, халқ депутатлари кенгашлари ўзларининг босма нашрларига эга бўлди [1; 346 б].

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида хусусий газеталар чиқарилиши ҳам йўлга қўйилди. 2017 йилда Ўзбекистонда бир ярим мингдан ортиқ оммавий ахборот воситалари, жумладан, 688 та газета, 295 та журнал, 15 та бюллетен, 4 та ахборот агентлиги, 66 та телеканал ва 34 та радиоканал, 300 га яқин ахборот сайтлари фаолият кўрсатди. Газета ва журналлар нафақат ўзбек тилида, балки рус, қорақалпоқ, тожик, қozoқ ва бошқа тилларда ҳам чоп этилади.

Хулоса. Жорий ва статсионар архивларда сақланаётган радио ва телекўрсатувлар матнлари ҳам Ўзбекистоннинг мустақиллик даврига оид муҳим манбалар сирасига киради. Бундан ташқари Интернетда республиканинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига оид кўплаб материаллар ҳам мавжуд.

Босма материаллардан унумли фойдаланиш учун тадқиқотчи газета ва журналларни топиш тартиби билан танишиши, топилган материалларни қиёсий таҳлил қилиши, уларнинг ҳақиқийлигини текшириши керак. Бундан ташқари, олинган материалнинг манбаси ва муаллифини аниқлаштириш мақсадга мувофиқдир, чунки кўп жиҳатдан ундаги маълумотларнинг ишончлилиқ даражаси уларга боғлиқ бўлади.

Манбашуносликка оид бажарилган тадқиқотлар, ёзма манбалар, таржималарнинг чоп этилиши, тарих фанини ўқитишдаги методик тажрибаларни умумлаштирилган қўлланмалар мустақил Ўзбекистоннинг мукамал тарихини яратишга асос бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Арслонзода Р.А Источниковедение. Фергана. 2019. 346 б.
2. Mukhamadqodirovich, R. A. (2020). The role of mass media in the history of the period of independence. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(4), 356-359.
3. Mukhamadqodirovich, R. A. (2023). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИДА ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ МАСАЛАСИ. *JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH*, 2(15), 431-435.
4. Mukhamadqodirovich, R. A. (2023). MASS MEDIA MATERIALS AS A SOURCE ON THE HISTORY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. *JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH*, 2(14), 605-610.
5. Расулов, А. М. (2021). ЎЗБЕКИСТОНДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ. *Scientific progress*, 2(1), 804-809.
6. Расулов, А. М. (2021). ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ. *Scientific progress*, 2(1), 1568-1572.
7. Расулов, А. М. (2020). ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАРИХИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ. *ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ*, (SI-1№ 3).
8. Rasulov, A. M. (2021). ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТАРМОҚЛАРИ. *Scientific progress*, 2(4), 836-838.
9. Rasulov, A. M. (2022). ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ АЪЗОЛАРИГА ҲОЯВИЙ ТАЪСИРИ. *Scientific progress*, 3(4), 871-875.
10. Rasulov, A. M. (2022). МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРИХИ РАСМИЙ МАНБАЛАРИ. *Scientific progress*, 3(3), 544-547.

11. Rasulov, A. M. (2021). ЎЗБЕКИСТОНДА ГЛОБАЛ ТАРМОҚНИНГ РИВОЖЛАНИШИ. *Scientific progress*, 2(6), 926-930.
12. Rasulov, A. M. (2021). МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК. *Scientific progress*, 2(6), 931-936.
13. Rasulov, A. M. (2022). МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЭРКИНЛИГИ. *Scientific progress*, 3(10), 4-8.
14. Расулов, А. (2022). Истиқлол даври тарихи манбалари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни. *Актуальные проблемы истории Узбекистана*, 1(1), 640-647.
15. Расулов, А. (2022). Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихи манбалари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни. *Актуальные проблемы истории Узбекистана*, 1(1), 633-640.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

№ 5/4 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).